

Qumqo'rg'on sadosi

Xalq deputatlari Qumqo'rg'on tuman Kengashi va tuman hokimligining nashri

9 Sentabr 2022 yil. № 25 (3284)-son

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 1978 yildan chiqa boshlagan

ЯНГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Замонавий таълимни янги тараққиёт босқичига кўтариб, ўқувчиларнинг билимларини оширишга аҳамият қаратилаяпти. Бунинг учун янги ўқув муассасаси ташкил этилиб, билимга интилувчан ёшлар қабул қилинди. 2022-2023-ўқув йилида туманимизда ҳам янги ўқув муассасаси очилди.



Президент таълим муассасалари агентлиги қошидаги Қумқўрғон туман ихтисослаштирилган мактаби ташкил этилиб, "Билимлар куни" қизгин нишонланди. Қумқўрғон агротехнологиялар техникумида шу муносабат билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Хушовоз суҳандоннинг овози янграб, яхши кайфият бағишлади.

"Биринчи кўнғироқ" тадбирида туман ҳокими Анвар Нормаматов маъруза қилиб, вилоятимизда Президент мактаби очилиши муноса-

бати билан туманимизда ҳам шу тизимдаги ихтисослаштирилган мактаб очилганлиги, ўқувчилар учун замонавий ўқув биноси тайёрланаётганлиги, жиҳозланиши ва шарт-шароитлар яратилиши ҳақида гапирди. Президент таълим муассасалари агентлиги қошидаги Қумқўрғон туман ихтисослаштирилган мактабга таниқли педагог, кўп йиллик раҳбарлик тажрибасига эга Дилфуза Қўзиёва буйруқ асосида директор

этиб тайинланганлиги билан таништирди.

Президент таълим муассасалари агентлиги директори Ҳилола Умарованинг онлайн тарздаги табриги намойиш қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мамаюсуф Гадоилмуродов янги таълим муассасасида биринчи марта ўқув йилини бошлаган ўқувчиларни қизгин табриқлаб, қимматли маслаҳатларини айтди.



Биринчи кўнғироқ сadosi

Мақтаб формалари ярашиб турган ўқувчиларни дарсларга чорловчи "Биринчи кўнғироқ" сadosi янгради. Янги усулдаги ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар танлов асосида тест синови ўтказилиб, юқори балл тўплаганлари қабул қилинди. Дарслар 5-10 синфлар ҳажмида ўтказилиб, жами 432 нафар ўқувчиларга ўқув дастури асосида билимлар ўргатила бошланди. Уларга 43 нафар олий тоифали фан ўқитувчилари дарсларни ўтапти.

Н. МУҲАММАДИЕВ

Чиройли ва кўркам бўлиб қайта таъмирланган қадрдон маскан 2-мактаб ўқувчиларни ўз бағрига чорлади

Бугун эрта тонгдан ўқувчилар лабларида табассум, кўзларида қувонч билан мактаб томон оидимламоқда. Мактаб – ўқитувчи-ю ўқувчини бир оила тимсолида бирлаштирган маскандир. Таътил вақтида соқинлик ҳукмронлик қилаётган мактаблар яна ўқувчиларнинг шодон ва бахтиёр шовкин-сурониға тўлди.

Бугун эрта тонгдан мактаб томон ошиқар эканмиз, қалбимизда ўқувчилар каби ҳаяжон бор. Ўз фарзандини узоқ вақт кўрмаган она каби ўқувчиларни соғиндик. Янги ўқув йилининг анъанавий тарзда бошлангани ҳам бизни қувонтирди. Мактабимиз қайта таъмирдан чиқиб, синфхоналар, спорт зали замонавий услубда қад ростлади. Бутун ўқув йили бугунги кун

каби шодликларга бой тарзда ўтсин, - дейди 2-мактаб ўқитувчиси Дилноза Норматова.

Ўқув йили бошланишига бағишланган тантанана туман ҳокими А. Нормаматов келиб қизгин табриқлагани барчада фахр, ифтихорни кучайтирди. Маълумки, барчамизнинг фарзандларимиз мактаб остонасига илк қадамини қўяди. Яхши синф раҳбари



ҳамда билимдон ўқувчилар қуршовида таълим олишини хоҳлаймиз. Мактабда яхши билим олиб, юртимизга нафис тегадиган фарзанд бўлиб воёга етади. Анъанага айланиб қолган биринчи кўнғироқ садолари бугун ҳар қачонгидан ўзгача жаранглади. Сочларига орзу-умидла-

ри каби оппоқ тасма боғлаб олган қизалоқнинг қўлидаги кўнғироқ овози нафакат атрофни, балки юракларни ҳам ҳис-ҳаяжонга солмоқда. Ўқувчиларга ишонч, ғайрат ва шижоат бахш этмоқда. Бу каби тадбирлар мамлакатимизнинг барча мактабларида бўлиб ўтмоқда.



Пинҳон орзуларим чорлаб мактабга, Олис истикболдан этиб илк оғох. Тенгдошларим бўй ўлчаб тизилдик сафга, Кўнғироқ ёқимли янгради ногоҳ.

Мароқли ёзги таътилдан сўнг куз фаслининг илк кунларида янги ўқув йили бошланди. Қўлларидан гул, қалбда ҳаяжон билан севимли мактаби томон ошиқаётган жажжи ўқувчи-ёшларнинг севинчлари чексиз. Туманимиз ёшларини ўз бағрига чорлаган барча умумтаълим мактабларида би-

ринчи кўнғироқ чалинди.

Биз ҳам болажонларнинг хурсандчилигига шерик бўлиш мақсадида тумандаги 33-мактабга бордик. Муассасада "Мустақиллик байрами" ва "Билимлар куни" муносабати билан ўтказилаётган байрам тадбири "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шиори

остида ташкил қилинди. Дастлаб тадбирни мактаб директори Э. Эргашев янги ўқув йили давомида ўқувчиларга омад тилаб очиб берди. Ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган Ватанни маҳд этувчи шеър ва кўшиқлардан иборат байрам дастури намойиш этилди. Уз меҳнатлари, билим ва малакалари

П. МЕНГЗИЯЕВА

САҲИЙЛИКНИНГ САҲОВАТИ

Халқдонийликни элимизнинг дунёқарашини ривожлантириб, эзгу ишларни бажаришга ўргатган. Мумтоз адабиёт вакили, адиб Аҳмад Югнакий ижодида инсонларнинг намунали фазилатларини улғулловчи, эзгуликка бошловчи шеърлари ҳозиргача аҳамиятли. Адиб шеърида "Энг қаттиқ кўнғилни саҳий юмшатар, энг олий мақсадга саҳий эр этар" деб ёзиб авлодларга маънавий мерос қолдирган.

Туманимизда ота-боболарнинг панд-насиҳатлари, эзгу мақсадларини амалга ошираётган саҳий одамлар борлиги юртдошларимизни хурсанд қилаяпти. Қумқўрғон темир-бетон қувурлари хусусий корхонаси бошлиғи Маматқул Жабборов саҳийлиги билан элимизда обрў, эътибор топди. Ҳар йили кам таъминланган оилаларга хусусий корхона ҳисобидан ёрдам бераёпти. Яқинда "Навбахор" тўйхонасида



кам таъминланган оилаларнинг 7 нафар фарзандига меҳр-мурувват кўрсатиб, хатна тўйини ўтказди. Хўжамулки, Янги шаҳар, Дўстлик, Сурхон соҳили, Хуррият маҳалларида яшовчи оилалар унинг меҳр, саховати-дан баҳраманд бўлди.

Туман ҳокими Анвар Нормаматов тўйболалар ва уларнинг ота-оналарини муобрақ тўй билан қизгин табриқлади. Болаларга ҳомий томонидан берилган

велосипедларни совға фатида топширди. "Шоҳ Машраб" жоме масжиди бош имоми, ҳожилар Қуръон тиловат қилиб саховатли инсонлар ва тўйболалар ҳақида дуо қилди. Туман маданият бўлими санъаткорлари шўх куй-қўшиқларини ижро этди. Меҳмонлар тўкин дастурхондаги нознеъматлардан тановул қилиб, тўйни хурсанд ўтказди.

Ўз мухбиримиз

ПАХТА МАВСУМИДАН ХАБАРЛАР

Пахтакорлар учун масъулиятли палла - пахта ҳосилини йиғиб-териш ишлари қизгин давом этмоқда. Туманинг 7952 гектар пахтазорларида етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда териш, қабул пунктларига топшириш оммавий тус олди.

Туман пахтакорларининг 29060 тонналик шартнома режасини бажариш учун шарт-шароитлар яратилди. 220 та фермер хўжалиги, иккита кластер, битта элета уруғчилиги МЧЖ ўз шартнома режасини бажариб, туманинг улкан хирмони бунёд этишга интиломоқда.

"Беш қахрамон" худудида қарашли "Ахрор Холиқ" фермер хўжалиги пахтакорлари туманда биринчи бўлиб йиғим-теримни бошлаган эди. Фермер Овлоқул Мамадиёров бошлиқ деҳқонлар 54 гектар пахта майдонида "Юксалиш" навли уруғ экиб, агротехника қойдалари асосида парваришлагани учун гўзаларда кўп ҳосил нишонларини яратди. Пахтакорлар ҳар гектардан 40 центнердан ҳосилни териш олиб, умумий хирмонни 210 тоннага етказиш учун ҳаракат қилмоқда. 120 нафар теримчи оппоқ пахтакорларни нес-но-

буд қилмасдан тараёпти. Илғор теримчилар ҳар куни 130 килограмдан пахта териш топшираёпти.

"Сафар Бойматов" худудидаги "Ҳожимурод Мамаатраим" фермер хўжалиги аъзолари чўл шароитида пахта етиштирди. Фермер Шухрат Мамаатраимов бошлиқ 26 гектарда "Беш қахрамон" навли пахта уруғини экиб, мўл ҳосил тайёрлади. 129 нафар теримчи далаларда очилган пахтакорларни қисқа муддатларда териш, йиллик шартнома режасини бажариш учун азму қарор қилишганди. Ҳар гектар ҳосилдорлигини 34 центнерга етказиб, жами 88,9 тонна йиллик шартнома режасини бажариш учун барча имкониятларни ишга солди. Илғор теримчилар ҳар куни 140-160 килограм пахта териш, эл хирмонига тўқди. Фермер хўжалиги кунига 16-17 тонна пахта



қабул пунктига топширди. Бу йиллик шартнома режага нисбатан 17-18 фоизни ташкил этди. Уюшқоқлик билан бажарилган меҳнат ўз натижасини берди. Фермер хўжалиги азаматлари шартномасини туманда биринчи бўлиб ошириб бажарди. Қабул пунктига 100 тонна сифатли пахта ҳосили топшириб, шартнома режасини 110 фоизга бажарди. Биз фермер хўжалиги пахтакорларини бу қувончли зафар билан чин юракдан табриқлаймиз.

Хурматли ва қадрли туман пахтакорлари илғор фермердан ўрнак олиб терим суръатини кучайтириш, об-ҳавонинг қулай вақтларида йиллик шартномани бажариш ҳар бир фермер хўжалиги, кластер, элета уруғчилиги меҳнат жамоаларининг далзарб вазиғаси эканлигини тўғри тушуниб ғайрат-шижоатни ошириш зарур.

Н. МУҲАММАДИЕВ



Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шиори остида спорт тадбири бўлиб ўтди.

Унда тиббиёт ходимлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Ғолиб бўлган жамоаларга туман тиббиёт бирлашмаси касаб уюшмаси кўмитаси томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

“Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси Кумқўрғон таъмирлаш, эксплуатация қилиш бўлимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан сайёр қабул ўтказилди.

Режа асосида амалга оширилган тадбирда “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти мурожаатлар бўлими бош мутахассиси Муҳаммад Баратов, “Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи Санжар Зоҳиров, “Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси Кумқўрғон таъмирлаш, эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи Фахриддин Менгнароров мурожаат этувчи ишчи ходимларнинг фикрларини тинглади. Шеробод тумани “Баҳор” маҳалласидан

Аскар Холмуродов, Кумқўрғон тумани “Нефтчилар” маҳалласидан Баҳодир Уроқов, Бойсун тумани “Робот” маҳалласидан Файзулла Тўрабоев каби тармоқ назоратчилари мукофот пули берилмаганлиги сабабли 2022 йил 15 августдаги 334-сонли буйруқни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш юзасидан мурожаат қилди. Соҳа раҳбарлари улар билан юзма-юз учрашув чоғида масалани атрофлича ўрганиб, ўзаро суҳбатлашди. Ишчиларнинг иш вақтида иш

ҳада ишлаган вақтида акция олганлиги, дивидент пули тўланиши ва пенсионер сифатида яна қандай имтиёздан фойдаланиши мумкинлиги бўйича саволлар билан мурожаат қилди. Кўп йиллик меҳнат стажига эга фуқарога қизиқтирган масалалари ўрганилиб, келгусида жавоб берилиши айтилди. Музробод тумани “Юртим жамоли” маҳалласида яшовчи, 1985 йилда туғилган, ўрта маълумотли Камол Худойназаров ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилди. Бу талабдорга келгусида бўш иш ўрни бўйича ишга жойлаштирилиши тушунтирилди. Сайёр қабул ошкоралик, қонун талаблари, меҳнат жамоасидаги ҳужжатлар асосида очиқ мулоқот тарзида амалга ошди.



Тумандаги “Элобод” маҳалласида мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шиори остида уч авлод учрашуви ўтказилди.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятида газ қувурлари воситасида табиий газ билан таъминлаш ишлари қатъий талаблар ва билимлар асосида амалга оширилмоқда. Ишчи ходимларнинг меҳнат вазибаларини мунтазам равишда бажариши назорат қилинапти. Меҳнат ютуқларига эришадиган ишчилар рағбатлантириляпти. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” госяси соҳага кенг тарғиб этилиб, мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимлар муносиб тақдирланди. “Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси Кумқўрғон таъмирлаш, эксплуатация қилиш пункти ходимлари Шерқобил Холтўраев, Абдурахмон Мардонов, Шерқўзи Қобилов “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. “Муборак” магистрал газ қувурлари бошқармаси бошлиғи Санжар Зоҳиров уларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

Н. МУҲАММАДИЕВ



ТУЯЛАРНИНГ ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТЛАРИ

Табиатдаги ноёб ҳайвон ҳисобланган туя Кумқўрғон туманида боқилаётганини ҳамма ҳам билмаса керак. Ким учун ҳақиқат, бировга ёлгон туйилган бу хабар рост. “Хунармандлар” маҳалласида яшаётган Соатмўмин Худойкулов хонадони соҳиблари битта-иккита эмас, бирваракайга 8 та туяни боқаяпти. Улар кўп йиллардан буён туяларни парвариш-лаб, шифобахш туя сутини соғиб олишапти. Оила аъзоларининг кунлик истеъмолдан ортиқчасини аҳолига сотмоқда. Туя сутини истеъмол қилган оиладаги катта-ю кичик одамлар касал бўлмаяпти. Ҳозир туякаш Соатмўмин Худойкулов билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Неча йилдан буён туя боқаяпсизлар?

Туя боқаяптганимизга чамамда 10-11 йил бўлди. Қанди диябет касаллигига чалинган эдим. Жуда озиб, ариқлаб кетдим. Туя иммунитетни оширади, куч беради, деб эшитдим. Шундан сўнг Қашқадарё вилояти Косон туманига бориб битта туя харид қилиб, олиб келдим. Туяни боқиб, қамрон тайёрлаб ичдим. Шу туя сутини мени ўзгартирди, семирдим. Ўша пайтларда оила аъзоларим билан чорвачилик билан шуғуландик, кўй боқардик. Бир йили кўйлардан тул ололмадик. Кўйларнинг ичиди боласи ўлиб, ўғилларим кўли билан нобуд бўлган кўзиларни суғуриб оларди. Шу сабабли 2 нафар ўғлим бруцеллез – қон касаллигига дучор бўлди. Дехқонбод туманида бу касаллики даволайдиган зўр мутахассис бор деб эшитиб, ўғилларимни олиб бориб кўрсатдим. У кўп дорилар ёзиб бериб, 3

йил даволанса касаллик қондан чиқиб кетади деди. Кумқўрғонга жоме масжидга намоз жумага борганимда бир бобо туя сутини бўлса ичир деди. Шу гапга амал қилиб ичирдим. 10 кунда ўғилларимнинг қони тоза чиқди. Шундан кейин туя сутини мўъжиза экан деб ўйладим. Кейинчалик Навоий вилоятдан иккита туя сотиб олиб келдик. Туялар туғиб туёқ сони кўпайди.

Туя сутининг яна қандай фойдали хусусиятлари бор?

Туя сутини вирус йўқ. Мол докторлари туяни умуман эмламайди. Туя сутини қайнатилмай ичилади. Жигар церрозига даво, қонни тозалайди, жигарни ювади. Қуртни туширади, ични қотиради. Ҳозир рақ касаллигига чалинган одам туя сутини ва пешобини ичяпти. Бир мисол айтмай, Шўрчи туманидаги Охунбобаев худудига яшаётган бир келинчақда кўкрак саратони аниқланибди. Термиз шаҳрига олиб боришиб шифокорлар кўригидан ўтказишса, ўлади деб қайтариб беришибди. Шу келинга туя сутини даво бўлди. 40 кун ичи дарддан фориғ бўлди. Отаси телефон қилиб бизга раҳмат айтди. Шундай қилиб халқни баҳоли қудрат даволяпмиз.

Биз молхона қурганимиз. Шунда туя ва бияларни парваршилапмиз. Мен Афғон урушида қатнашганман. Байналминалчи жангчиман. Ҳозир инсульт касаллигига чалиниб, тўшақда ётиб-турибман. Фарзандларим ишда, келинларим, невараларим туяларни парвариш-лапти. Туялар учун ёнтоқ, жингил озукабол ўсимликлар ҳисобланади. Келинлар сутини соғаяпти. Бир литрини 50000-60000 сўмга со-

таяпмиз. Туя туққан маҳал кунига уч марта соғаяпти. Ҳар куни 7-8 литр сут олапмиз. Бия катта бўлгач сутини

камёб, уларни парвариш-лаш учун озукалар билан таъминлашни қандай ҳал этаяпсизлар?



камаймоқда. Шунинг учун ҳар куни икки маҳал соғишмоқда.

Сизлар соғиб олаётган туя сутига қайси манзиллардан харидорлар келаяпти?

Вилоятимизнинг ҳамма туманларидан талабдорлар келаяпти. Музработ, Сароисий туманларидан ҳам келишди. Яқинда Термиз шаҳридан шифокор ҳам бир мунча вақт уйимизга қатнади.

Туя сутидан ташқари яна қандай маҳсулотларини олаяпсизлар?

Жунини олдик. Келинлар жунидан кўрпа-ёстик тайёрлади. Бу ҳам соғлиқ учун фойдали. Битта туяни сўйиб сотдик. Гўшти кўй гўштидек ширин экан. Қон босими ошганда, қандли диябетда, қон касалликлариди даво.

Туяларни сотса ҳам даромад келади. Ҳозир неча сўм бозор нарҳда сотилмоқда?

Туянинг нарҳи 20 миллион, 22 миллион, 23 миллион сўм. Бия туққан туя 26 миллион-30 миллион сўмга сотилапти.

Бу ноёб жониворлар

Туя боқишда кўп йиллик тажриба тўпладик. Ҳозир туяларни боқишда қийналяпмиз. Озуқа етишмайди, ем йўқ. Озуқа етиштириш учун еримиз йўқ. Яйлов, лалми ер ҳам ололмадик. Масаларимиз ижобий ҳал бўлмади. Очиқ майдонлардаги ёнтоқлар ҳам эгалик бўлибди. Невараларим ёнтоқ чопаман деб борса қуруқ қўл билан қайтиб келаяпти. Биз туячиликни сақлашимиз ва ривожлантиришимиз учун ёрдамга эҳтиёжимиз бор.

Маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги бизга эътибор қаратиб ер беришса, яйлов ажратишса яхши бўларди. Акс ҳолда қийналиб туяларни сотиш фикрига ҳам келдим. Шифобахш маҳсулотларга аҳолининг эҳтиёжи баланд. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш учун туячиликка эътиборни яхшилаб, етарлича шарт-шароитлар яратиш зарур. Шунда туялар сони кўпайиб, шифобахш неъматлар микдори ва турлари кўпаяди. Бундан аҳоли манфаатдор бўлиб яшайди.

Н. МУҲАММАДИЕВ суҳбатлашди.



Тумандаги Беш қаҳрамон маҳалласида жойлашган 2-мактабда янги ўқув йили бошланганлиги муносабати билан ҳаракат хавфсизлиги таъминланмоқда.

Даврон ЧОРИЕВ, Кумқўрғон тумани ИИБ ЙХҲТ МХМКЧБ инспектори, катта сержант

ДИНИЙ МАСЪУЛИЯТ – ДОИМИЙ ОДАТ

Жамиятимизда диний ишларга рухсат берилиб, ахлоқий меъёрларга амал қилиш тушунтирилган. Исломи дини амалларини бажариш учун масжидлар очилиб, фуқаролар эркин тарзда беш вақт намозларини, Рўза ойи, Рамазон ва Қурбон ҳайити амалларини адо этмоқда.

Шунга қарамасдан айрим шахслар ўзбошимчалик қилиб, бошқа фуқарога ноқонуний равишда диний таълимотдан сабоқ бераётган ҳолат учраяпти. 2022 йил 7 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Кумқўрғон туман суди биносида шундай ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаронинг хатти-ҳаракати бўйича маъмурий иш материаллари кўриб чиқилди.


1986 йил 28 январда Кумқўрғон туманида туғилган, 5 нафар фарзанднинг онаси, “Хўжамулки” маҳалласида яшовчи Ф. Ё. (исми, фамилияси ўзгартирилди) маҳсулоти маълумотга эга бўлмасдан, диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз ўзбошимчалик йўлини тутди. “Хўжамулки” маҳалласидаги Ўзининг яшаш уйида 2022 йил

февраль ойидан 1 май кунигача вояга етмаган Ш. И. га (исми, фамилияси ўзгартирилди) диний таълимотдан сабоқ берди. Халқимизнинг “Кўза кунда эмас, кунда синади” деган мақоли амалда тасдиғини топди. Саводсизларча диний таълимотни ўргатуви шахснинг қора қилмиши орган ходимлари томонидан фош этилди. Одил суд бу маъмурий ишни тўплаган ҳужжатлар, далиллар яъни билдирги, тушунтириш хатлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, ҳуқуқбузарнинг кўрсатуви ва бошқа материаллар асосида ўрганди. Натижада ҳуқуқбузарнинг салбий ҳаракатлари тўлиқ тасдиғини топди. Суд Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг моддаларига асосан қарор чи-

қарди. Ўрта маълумотли, оилали, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, вақтинча ишсиз Ф. Ё. (исми, фамилияси ўзгартирилди) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилди. Унга базавий ҳисоблаш микдорининг бир баравари, яъни 270000 сўм жарима жазоси тайинланди.

Фуқаролар бу ҳолатдан ўзига тўғри ҳулоса чиқариши керак. Таълим муассасида аниқ фанларни ўрганиб, ўрта маълумотга эга бўлганлиги ҳақида ҳужжатни олган одам оқ ва қорани танийди. Етуклик, балоғат даври амалларини тўғри бажариш зарурлигини билади. Шундай экан тўғри йўлдан адашмай, нафс балосига йўлиқмасдан турмуш кечиришининг гаши ҳам ширин бўлишини унутмаслик керак. Акс ҳолда қилмишига яраша жазо тайинланади.

Ш. САИДАХМЕДОВ, Кумқўрғон тумани ИИБ ТЭҚКБ катта тезкор вакили, майор



Ўнқир-чўнқир чанг тўзон кўча, Йўл четига мунгайган дарахт. Бир пой қавуш қийиб бир бола, Қувнаб ўйнаб юрибди, не бахт.

Бир сурув кўй чангидан ҳатто, Кўринмайин келар болақай. Қўлидачи “Шум бола” қаранг, Қизик эмас унга гадоёй, бой,

Кўнгли фақат истар илми, У дунёни билишга ошқ. Ким давлатда деб билар бахтни, У ҳаётни қуйлайди жўшиб.

Кўзим бир дарёдир, қирғоқсиз дарё, Оловни оқизиб келар қўқсимга. Тўфонлари билан, тошқини билан, Титроқлар солади кичик жуссамга.

Нигоҳим оқ сени кўрган захоти, Дарёйим ловуллаб қайнагани рост. Ошқлар севгиси ишқи не бўпти, Менинг муҳаббатим мажнунга хос.

Дилфуза Абдумўминова

МУАССИС:

Халқ депутатлари Кумқўрғон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят худудий бошқармаси томонидан 2012 йил 2 февралда № 11-042 рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Райҳон МЕНГЗИЯЕВА

Масъул котиб: Н. Муҳаммадиев

Веб сайтими: qumqurgon.uz
Телефон 90-074-92-05
E-mail: Kumqurgon_sadosi@mail.ru

Тахририят манзили: Кумқўрғон шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси.

Газета “Кумқўрғон садоси” тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Т. Назаров.

Босишга топшириш вақти 10.00
Топширилди 10.00
Бизнинг нашр кўрсаткичимиз 64831
Сотувда эркин нарҳда

Газета “Surxon tongi” ва «Заря Сурхана» газеталари тахририяти босмаҳонасида буюртма асосида А-2 ҳажмида 2500 нусхада чоп этилди.

Буюртма № — Босмаҳона манзили: Термиз шаҳри, Шўқрона кўчаси, 19-А ўй.

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.